

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛДА ТУТҚУЗУЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
қўриққани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўриққани  
ўқув-ўқувчи бўлиқларида ўқувчи ва ўқувчи бўлиқларида ўқувчи  
ўқувчи бўлиқларида ўқувчи ва ўқувчи бўлиқларида ўқувчи  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ўқувчи бўлиқларида ўқувчи ва ўқувчи бўлиқларида ўқувчи

ЖОРИВ ЭТЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Маънур Мухаммад таълимлари "Олий таълим вазирлиги"нинг "Компьютер  
Ассистентлари", "Олий таълим вазирлиги"нинг "Компьютер  
инженерлари", Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва ахлоқ қўриққани  
таълим ва таълим вазирлиги ва расмий сайтда ўқувчи бўлиқларида ўқувчи  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ўқувчи бўлиқларида ўқувчи ва ўқувчи бўлиқларида ўқувчи  
ўқувчи бўлиқларида ўқувчи ва ўқувчи бўлиқларида ўқувчи

Тошкент 2021

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 365  
"25" 08 2021 йил

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи .....	9

## **1. 70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.**

**70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) –** Ахборот–коммуникация технологиялари” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот марказларида, лойиҳалаш институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, давлат бошқаруви органларида ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида ахборот тизимлари, автоматлаштирилган тизимлар, ахборотлаштириш объектлари ва уларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаларига оид комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- ахборотни криптографик ва техник ҳимоялаш воситалари, ахборот тизимларининг хавфсизлиги, компьютер хавфсизлиги, автоматлаштирилган тизимлар хавфсизлиги, ахборотни ҳимоялашнинг замонавий усуллари ва технологиялари;
- ахборот технологиялари билан боғланган турли даражадаги объектларнинг (тизимлар, тизим объекти, объект таркиби) ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологиялари;
- ахборотлаштириш объектлари, жумладан, компьютер, автоматлашган, телекоммуникацион, ахборот соҳасида таҳдидлар мавжуд бўлган вазиятда ахборот заҳиралари ва ахборот технологиялари;
- ҳимояланадиган объектларнинг ахборот хавфсизлиги жараёнларини бошқариш.

**1.2.3. 70610302 – Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Илмий-тадқиқот;
- Ишлаб чиқариш;
- Ташкилий-бошқарув;
- Педагогик фаолият;
- Турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.

**1.2.4. 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- мамлакатимиз ва чет элларда ҳосил қилинган илғор тажрибаларни инобатга олган ҳолда, мутахассисликка оид янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- касбий фаолиятига мос илмий адабиётларни, илмий тадқиқот лойиҳаларини ва янги илмий натижаларни ўрганиш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришда ахборот хавфсизлиги бўйича пайдо бўладиган янги масалаларга тез мослашиш учун турли алгоритм ва воситаларни қўллай олиш, зарур ҳолларда тезкор қарорлар қабул қилиш;
- ахборот хавфсизлиги билан боғланган объектларда криптографик ва техник ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқаришдаги жараёнларнинг лойиҳавий ҳужжатларида

қабул қилинган ечимларга мувофиқ бажарилишини таъминлаш ҳамда технологик интизомга қатъий риоя қилинишини назорат қилиш;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларнинг татбиқ қилинишини ташкил қилиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;

- ижрочилар ва илмий тадқиқот жамоаси ишини ташкил қилиш ва бошқариш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш.

#### **Педагогик фаолиятда:**

- ўқитиш методикасини эгаллаш;

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

#### **Турли хизматлар кўрсатиш:**

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш;

- ахборотлаштириш объектлари ҳимояланганлик ҳолатини аналитик шарҳини ишлаб чиқиш.

## **2. 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги)**

### **таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий**

### **компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- Криптографик алгоритмларнинг математик асосларини билиши;

- криптографик протоколларга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

- криптографик протоколлардан амалиётда фойдаланиш;

- шифрларга талаблар ва шифрларнинг асосий характеристикаларидан фойдаланиш;

- калитларни генерация қилиш ва уларни бошқариш;

- замонавий шифрлаш тизимларини қуриш принципларини билиши;

- оқимли ва блокли шифрлардан фойдаланиш;

- очик калитлар билан шифрлаш тизимларини қўллаш;

- электрон рақамли имзони яратиш ва ундан амалиётда фойдаланиш;

- криптографик алгоритмларни реализация қилиш;

- объектларда ахборот хавфсизлиги хусусий сиёсатларини реализация қилиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни самарадорлигини назорат қилиш;

- ҳимоя объектларида ахборот хавфсизлиги таҳдидлари моделини ишлаб чиқиш;

- техник воситалар орқали ахборотни пинҳона чиқиб кетиш каналларини аниқлаш;

- объектларнинг ахборот хавфсизлигини бошқариш усулларини билиш;

- ихтисослашган техникалар билан ишлаш ва техник воситалар орқали ахборотни пинҳона чиқиб кетиш каналларини ёпиш хизмати ишини ташкил қилиш;

- ахборот ҳимояси, идентификация, аутентификация, маскарад ҳақида билиш;

- компьютер хавфсизлигининг ташкилий поғонаси, хавфсизлик дастурини билиш;

- компьютер тизимлари хавфсизлигини таъминлашнинг сервис дастурларини билиш ва амалиётда қўллаш;

- амалий криптографиянинг асосий масалаларини билиши;

- аутентификация масалаларини ечишда криптографияни қўллаш;

- компьютер тизимлари ва тармоқларида криптоҳимоя усуллари, криптография соҳасида давлат стандартларидан фойдаланиш;

- турли фаолият соҳаларида ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини қўллаш.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, ахборотлаштириш объектлари, касбий фаолият жабҳаси, магистрантнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (магистрант дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, илмий-тадқиқот, ташкилий-бошқарув, умумметодологик фанлар, мутахассислик фанлари, ахборот хавфсизлиги.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети



Ректор  И.Маджидов

2021 йил « 21 » 01

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент Давлат техника университети



Директор  М.Эсанов

2021 йил « 21 » 01

М.Ў.



Ректор  С.Турабджанов

2021 йил « 21 » 01

М.Ў.

"UNICON.UZ" ДУК

Директор  М.Махмудов

2021 йил « 21 » 01

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## **КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

“ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети ректори Б. Махкамов, Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ректори С.Турабджанов, “UNICON.UZ” ДУК директори М. Махмудов, Ўзбекистон Миллий университети ректори И. Маджидов билан биргаликда ЎЗМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

- 1. 60610100-Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари(йўналишлар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши;**
- 2. 60610200-Ахборот тизимлари ва технологиялари(тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши;**
- 3. 60610300-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) бакалавриат таълим йўналиши;**
- 4. 70610101-Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича) магистратура мутахассислиги;**
- 5. 70610204-Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича) магистратура мутахассислиги;**
- 6. 70610201-Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти(тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги;**
- 7. 70610301-Криптография ва криптоанали(йўналишлар бўйича) магистратура мутахассислиги;**
- 8. 70610302-Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги.**

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул

қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.


Таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.


Тошкент давлат техника  
университети ректори

"UNICON.UZ" Давлат унитар  
корхонаси директори

Ўзбекистон Миллий университети  
/ ректори



С.Турабджанов



М. Махмудов



И.У.Маджидов

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари  
хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича олий маълумотли магистрлар  
тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган  
талаблар янгиланган  
малака талаблари ва ўқув режасига  
ТА Қ Р И З**

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмуни тубдан ислох қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига боғлиқ.

70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари ҳамда ЎзР ОЎМТВнинг 2018 йил 6 июндаги "Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида" ги №87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ҳориж тажрибаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, магистрантларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллаш олиш кўникмасини кучайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимооти битирувчининг назарий билимларини мустақамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Давлат божхона қўмитаси  
Ахборот – коммуникация  
технологиялари  
бошқармаси бошлиғи**



**А.Дусмухамедов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари  
хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича олий маълумотли магистрлар  
тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган  
талаблар янгиланган  
малака талаблари ва ўқув режасига  
ТА Қ Р И З**

Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ да 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислигининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, магистрантларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллаш олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсмоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва тақлифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнида жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қодалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни тақлиф қиламан.

**ТАТУ Компьютер тизимлари  
кафедраси мудири, Ф.Ф.Д.**



**Ж. Джуманов**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари  
хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича олий маълумотли магистрлар  
тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган  
янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига  
ТА Қ Р И З**

Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУда 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислигининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкмаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Магистратура мутахассислигида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос ҳолда тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Хулоса қилиб айтганда, 70610302–Ахборот хавфсизлиги (компьютер тизимлари хавфсизлиги) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган. Малака талаблари ва ўқув режаси сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий хужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат  
техника университети “Ахборотларга ишлов  
бериш ва бошқариш тизимлари” кафедраси  
профессори, т.ф.д.**

